

## SCIENTIFIC PEDAGOGICAL FUNDAMENTALS OF THE USE OF KARAKALPAK FOLKLORE IN EDUCATION OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS IN THE PATRIOTIC SPIRIT.

Pazylov Tore Arzievich

Support Doctoral Student

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

### ABSTRACT

This scientific article deals with the role and importance of the use of folklore in the education of primary school students in the spirit of patriotism, as well as the education of our children, the assimilation of our national traditions.

**Keywords:** Karakalpak folklore, oral literature, art, customs, ethnopedagogy, education, patriotism, story, fairy tale, behavior.

### INTRODUCTION

Халқ оғзаки асарлари муайян миллатнинг асрлар оша яшаб келаётган бебаҳо маънавий бойлиги ҳисобланади. Ўлар жамият аъзоларини руҳан яқинлаштириш, ёшларни тарбиялаш, ижтимоий ҳаётни барқарорлаштириш, авлодлар ўртасидаги маънавий ворислик туйғусининг бардавонлигига таъсир курсатишда бекиёс ахамиятга эга. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки асарларини асраб-авайлаш ва ёш авлодга маънавий-мерос сифатида етказиш масаласи бугунги кунда ҳам долзарб муаммо саналади.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Болаларимизни Ватанпарвар, жамиятга керакли инсон қилиб тарбияламасак, келажакка хиёнат қилган бўламиз», деган жуда оқилона жумлалари шу азиз ватанда яшаётган ҳар бир ватанпарвар тарбиячини руҳлантириб юбориши аниқ.

Бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қобилиятларини ривожлантириш педагогика ва психология фанида тадқиқ қилинаётган муаммолар қаторида ҳисобланади. Ушбу масалага ўтмиш мутафаккирлари ҳам катта эътибор берганлар, Қадим Шарқда Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Хожиб, Қорақалпоғистонда Ажиниёз, Кунхожа, каби мутафаккир олимларимиз томонидан ёшларни инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига аълоҳида эътибор қаратилган. Урта аср Шарқнинг машҳур мутафаккири, файласуф олим.

Абу Наср Фаробий ўрта аср фан ва маданиятига улқан ҳисса қўшган илм-маърифатнинг кўп соҳаларини эгаллаган ва ўзидан кейин салмоқли мерос қолдирган. Фаробий риёзиёт ва фалакиёт, табобат ва мусиқа, мантиқ ва фалсафа, тилшунослик ва адабиёт соҳаларида қалам тебратган, Унинг асарлари ҳозирга қадар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ўрганилмоқда ва таржима этиб келинмоқда. У ўз педагогик таълимотида ватанпарварлик ғояларини олға суради. У инсонни бахт-саодатга элтувчи жамоа етук жамоа бўлиши мумкин. Комил инсонни яратиш, уни бахт-саодатга эриштириш ҳар бир давлат, жамоа бошлиғининг вазифаси бўлиши керак дея тушунтиради «Фозиллар шахри одамлари

умумий ва хусусий билимлар ва фаолиятлар орқали саодатга эришадилар” деган фикрларини илгари сурадилар.

Буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби. Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билик” асарида “Хатто ҳукмдорлар ҳам юртни, давлатни ақл, илм заковат билан идора этса, эл-юрт фаровон бўлади, тоқ ва тинч ҳаёт кечиради”,

Яъни:

Билимсизга давлат ёки келса қут,  
Халойиқ бўзилар, бўлар элга ют.  
Уқувли бўлсами олам бошчиси,  
Элга роҳат берар –ундан шуни кут!

Шарқ мумтоз адабиётининг буюк намояндаларидан бири Саъдий Шерозий - Ватанпарварлик, халқпарварликни юксак қадрлади ва оталар тилидан ёшларни халққа

содиқ бўлишга чақиради,

Ўғлига отаси қилди васият:

“Бахтиёр болам, қуй қулоғингга панд-

Ўз элига вафо қилмаган киши,

На севимли бўлур ва на донишманд.

Таниқли Қорақалпоқ шоири Ажиниёз Қосибай ўғлининг, Қорақалпоқлар ҳақида қизиқиб савол берган мулла Қожбанга жавоб тариқасида “Елларим барды” шеърида:

Жайлаўым-Ургениш арқасы теңиз,

Жаўырыны қақпақтай маллары семиз,

Рухсатсыз бир-бирине салмас из,

Бирликли Қоңырат елларим барды. деб узининг туғилиб ўсган ватани билан фахланишини билдириб шундай тариф беради.

Қорақалпоқ классик поэзияси вакили Қунхожа асарларида ўша даврдаги халқнинг оғир турмушига ачиниб, туғилиб ўсган юртга ватанига булган севинчини соғинчини куриш

мумкин, у ўзининг “Жайлаўым” шъерида

Ата журты Туркистаннан келгели,

Ата-бабам қоныс басқан жайлаўым,

Анадан туўғалы есим билгели,

Ойнап қатар өскен қалың жайлаўым. деб узининг она ерига ватанига бўлган севгисини шундай ифодалайди, унинг угитларини насихатларини ёшларимизхозиргача қулоқ солиб тинглайди,

Қорақалпоқ халқ оғзаки ижодиёти йиғиндиси бўлмиш Қорақалпоқ фольклорининг нақл-мақоллар бобида эса ота-боболаримизнинг ватан ҳақида, ватанга садоқат ҳақида жуда қуп нақллар келтирилади шулардан айримларини хавола қилишни мақул курдик,

Яъни:

Қус қанаты менен, Адам елаты менен.

Ўатан куннен сулыў, Алтыннан қымбат.

Ўатансыз адам, бахытсыз бўлбил.

Қорақалпоғистонлик фольклоршунос олимлардан Қ.Айымбетов Н.Даўқараевлар хам. Халқимизнинг хақиқий ватанпарвар шахслари сифатида, ўз умри давомида келажак авлодга жуда бой мерос қолдиришган.

Қорақалпоқ маънавият намоёндаси фольклоршунос олим Қ.Айымбетоворфографиямизга энг дастлабки харф танлашдан бошлаб, маданиятимизнинг шу бугунги даражасига қадар салмоқли хисса қўшган куп қиррали истедод сохиби эди. Унинг илмий изларинишлари орқали халқимизнинг ижтимоий ривожланиш йуллари, маданиятимизнинг, адабиётимизнинг жуда қийин йулларини қолаверса бугунги ёшлар биллавермайдиган, қорақалпоқ халқининг унутулиб бораётган урф-одатларини, дастурларини ва этник томонлама қарашларини куриш мумкин.

Қ.Айымбетовнинг илмий изланишлари туплами негизида, қорақалпоқ фольклори учун жуда куп маълумотлар йиғиндиси ўз тасдиғини топган.

Қорақалпоқ классик адабиётининг фидойиси Н.Дәўқараев эса ўз илмий меҳнатларида фольклор асарларини таҳлил қилар экан, “Ботирлик жирларнинг, чиқишига халқнинг ватанпарварлик ғоялари сабаб булган, ўз елиниташқи душмандан қурғаш қорақалпоқ; ботирлик жирларининг асосий ғояси, шунинг асносида хар хил тарихий ходисалар хақида ботирлик жирлар, образлар, типлар ясалган”, деган фикрни билдиради.

Шунингдек бошланғич синф ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фольклор асарларидан фойдаланиш буйича, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларнинг хам илмий тадқиқод ишларини ўрганишга муяссар булдиқ: Б.А.Сергеевна Мактаб ўқувчиларини педагогик шароитда синфтан ташкари ишларда халқ оғзаки ижоди воситасида ўқитиш самарадорлигини хал етиш.

Ш.Е.Викторовна Халқ педагогикаси воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ватанпарварликни самарали шакллантиришни таминлайдиган педагогик шарт шароитлар мажмуасини аниқлаш ва илмий асослаш.

Т.Х.Ахмадова Чечен халқи фольклори воситаси асосида мактаб ўқувчиларининг бадиий маданиятини шакллантиришда ўқув жараёнининг самарали тизимини аниқлаш, илмий асослаш ва ривожлантириш.

Ш.Н.Львовна Сибирболаларертаклари анъаналарининг замонавий ҳолатига хошхусусияти.

К.З.Зиннатовналарнинг, Халқ мусиқаси воситасида умумтаълим мактабининг асосий босқичи ўқувчиларнинг маънавиятини тарбиялаш моделини назарий асослаш ва синовдан ўтказиш каби халқ оғзаки ижодиёти анъаналарнинг ижтимоий ҳаётдаги, бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашдаги ролини ташкиллаштиришга доир муаммоларни тадқиқот ишларида батафсил ёритилганлигини ўрганиб чиқишга муяссар бўлдиқ.

Хулоса қилиб айтадиган булсак, бугунги кунда таълим жараёнининг барча жабхаларида бошланғич синф ўқувчиларига фольклор асарлари намуналарини ўргатишни татбиқ этиш, доимий тарзда ўргатиб, сўзлатиб бориш орқали уларни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш мумкин. Шу аснода ёшларга қадриятларимизни, урф-одат ва анъаналаримизни эъзозлашга ўргатамиз. Ишонамизки, миллий фольклор асарлари намуналари бошланғич синф ўқувчилари одоб-ахлоқи, ҳулқи гўзал бўлишида,

маънавий дунёқараши юксалишида, ўзлигини англашда, инсонпарварлик, ватанпарварлик ҳисси кучайишида таъсирчан педагогик тарбия воситаси бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комилдир.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ш.Мирзиёев. 2020-йил 29-май куни Сергели туманидаги 329-умумий ўрта таълим мактабини бориб кўриш чоғида айтган нутқи. (<https://review.uz/uz/post/shavkat-mirziyoyev>)
2. М.Хайруллаев Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти Тошкент 1993й 224 б. (163-б)
3. Б.Тухлиев. Юсуф Хос Хожиб, “Қутадғу билиг” Тошкент “Юлдузча” 1990-й 192-б. (40-б)
4. Васфий. Саъдий Ш, Гулистон. Т., Ғафур Ғулом номидаги бидий адабиёт нашриёти, 1968-йил 184-бет. (150-б)
5. М.Нызанов “Бозатаўлы нэзелим” таъламалы шығармалары Нөкис Билим 2014ж 160-бет. (35-б)
6. А.Муртазаев, Ж.Хошниязов.Күнхожа Ел менен (таъламалы қосықлар топламы) “Қарақалпақстан” баспасы Нөкис 1984ж 68-бет. (9-б)
7. IV-том Қарақалпақ халық нақыл-мақаллары Қарақалпақстан баспасы Нөкис 1978ж. (183-б)
8. Шу китоб. (186-б)
9. Қ.Айымбетов Қарақалпақ фольклоры “Қарақалпақстан”баспасы Нөкис 1977ж.
10. Н.Дәўқараев Шығармаларының толық жыйнағы 2-том «Қарақалпақстан» баспасы. Нөкис-1977 356-бет. (196-б)
11. Б.А.Сергеевна. Автореферат.( Патриотическое воспитание младших школьников во внеурочной деятельности средствами фольклора Белгород-2018)
12. Ш.Е.Викторовна.Автореферат.(Формирование патриотизма у младших школьников средствами народной педагогики Чебоксары 2010)
13. Т.Х.Ахмадова.Автореферат(Формирование художественной культуры школьников средствами фольклора Махачкала-2011)
14. Ш.Н.Львовна.Автореферат ( Жанр сказки в современном детском фольклоре (на материале Омско-Иртышского региона) Челябинск 2004)
15. К.З.Зиннатовна.Автореферат (Воспитание духовности учащихся общеобразовательной школы средствами народной музыки Магнитогорск- 2011)